


Узун туманининг 2023-йил январ-июл ойлари ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари



1. Хизматлар

Дастлабки маълумотларга кўра, 2023- йилнинг январ-июл ойида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 342,31млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос

даврига нисбатан 107,5% га етди.

2. Ташқи савдо айланмаси 2023- йилнинг январ-июл ойида 10 956,5 минг. АҚШ. Долл ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 75,9% га етди.

Экспорт

2023- йилнинг январ-июл ойида 7 871,9 минг. АҚШ. Долл ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 74,4% га етди.

Импорт

2023- йилнинг январ-июл ойида 3 084,6 минг. АҚШ. Долл ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 80,0% ни ташкил этди.

3. Ички савдо

2023- йил январ-июл ҳолатига чакана савдо ҳажми 474,6 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 109,4% га етди.

4. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши

Дастлабки маълумотлар бўйича 2023- йилнинг январ-июл ойида 193,7 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 102,1 % ни ташкил этди.

5. Қурилиш ишлари кўрсаткичлари

Дастлабки маълумотларга кўра, 2023- йилнинг январ-июл ойларида Қурилиш ишлари ҳажми 93,6 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 86,7 % ни ташкил этди.

6. Узун туманининг демографияси

2023-йилнинг 1-июл ҳолатига кўра, доимий аҳолиси 185 минг. Кишини ташкил этади. Шундан:

-туғилганлар 2339 киши

-вафот этганлар 426 киши

-тузилган никоҳлар 507 киши

-никоҳдан ажralишлар 90 киши

-кўчиб келганлар 167 киши

-күчіб кетғанлар 403 кишини ташкил қилади.

Узун тумани ҳокимлиги ахборот хизматы